БУЮК ВАТАН

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол мушойраси

Мустақиллик шиор эмас,
Мустақиллик шон эмас.
Мустақиллик онанг ёпган,
Иссиққина нон эмас.
Мустақиллик мустабиддан
Олинажак бир ўқдир.
Мустақиллик қовурғангдан
Ясалажак қиличдир!
Мустақиллик тангри берган,
Қиёси йўқ инъомдир.
Эътиқоддан бошланажак,
Буюк ВАТАН — ИМОНДИР!

Ислом ҲАМРО

Малака ошириш учун Америкага

Яқинда Қашқадарё вилоят бизнес инкубатори яхши ташаббус билан чиқди. Унга кўра, вилоятнинг бир гуруҳ фермерлари Америка Қўшма Штатларига борадиган бўлди. Улар ўн ой малака ошириш курсларида ўқийдилар. Уммон ортига борадиган талабгорлар фермерликда анчагина тажрибага, инглиз тилида дастлабки билимга эга бўлиши керак.

Ҳамюртларимиз америкалик фермерлар ишини ўрганиб, тажриба алмашишади.

Тўтихон СОАТОВА

Айёмга совға ҳозирлаб

Сариосиё туманида бир йўла 10 минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуи фойдаланиш учун тахт ҳолга келтирилмоқда. Бу ерда иккита усти ёпиқ теннис корти, иккита сузиш ҳавзаси, кураш, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари барпо этилган. Иншоот мустақилликнинг етти йиллигига муносиб совға бўлиб, мухлису спортчилар учун қувончдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Учинчи фильм тугалланди

Самарқанд телевизион ижодий уюшмасининг бир гуруҳ вакиллари Америка тўғрисида ҳикоя қилувчи учинчи фильмни суратга олишни ниҳоясига етказди. Мазкур ҳужжатли фильм ЮСИА ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тасвирга тушириди. Бу ишга АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси яқиндан кўмаклашди. Фильмни суратга олиш ёш ижодий гуруҳ учун осон бўлмади. Фильмни суратга олишда кўп изланиш ва ўрганишга тўғри келди. Бунинг натижаси ўлароқ, "Яна Америка..." фильми вужудга келди.

Анвар ҲОСИЛОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 18 июль, шанба • № 85 (22.322).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

"Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида

"Фермер хўжалиги тўғрисида" ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжаликларининг аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

1998 йил 1 октябргача барча туманларда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликларини уларнинг Ер кодексига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини хатлаб чиқсинлар ҳамда уларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ҳар бир туманда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш билан шуғулланувчи комиссиялар тузсинлар.

Аттестация ўтказувчи комиссиялар фермер хўжаликлари бошлиқларининг юқори ҳосил олиш учун илғор агротехника усулларини қўллаш, уруғлик, ўғитлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш бўйича юксак билим ва малакага эга эканликларига эътиборни қаратсинлар.

2. Қуйидагилар:

фаолият кўрсатаётган деҳқон /фермер/ хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш Тартиби;

фермер хўжалигининг Намунавий устави;

фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартиби;

фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш Тартиби тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон (фермер) хўжаликларини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш натижалари тўғрисида 1998 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фермер хўжаликларини хатловдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра статистика ҳисоботига тегишли аниқликлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 15 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, мулкий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни ташкил этиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида" 1998 йил 18 мартдаги ПФ-1973-сон Фармонига мувофиқ республикада йирик товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, энг аввало пахтачилик ва ғалла-чилик пайчиликка ва оила (жамоа) пудратига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) томонидан амалга оширилади.

Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси томонидан ишлаб чиқилган жамоа корхоналари (жамоа хўжаликлари)ни тайёрлик даражасига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантириш ҳаҳдвали маъқуллансин.

2. Қуйидаги норматив ҳужжатлар тасдиқлансин:

Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантириш Тартиби;

Мулкий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш комиссияси тўғрисидаги Намунавий низом;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг Намунавий устави;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да мулкий пайларни шакллантириш, уларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ва мулкий пай тўғрисидаги намунавий гувоҳнома;

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий низом.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда 2001 йилгача бўлган даврда фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликларини пайчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантириш, фермер хўжаликлари ва уларнинг бирлашмаларини ташкил этиш юзасидан ташкилий чоралар кўрсинлар.

Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликлари (колхозлар)ни қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантиришда ходимларнинг чекланган сони экин майдони, маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфининг белгиланган меъёрлари асосида аниқлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий низом асосида ушбу корхоналарнинг мутахассислари ва аъзолари (ходимлари) иштирокида уч ой муддатда Оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликларига уларни қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантириш, янги шарт-шароитларда ишларни ташкил этиш, ер ва мол-мулк қиймат баҳосини аниқлаш, устав, бўлинмас ва пай жамғармалари ҳамда мулкий пайлар миқдорларини белгилаш, оила (жамоа) пудратини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантиришга оид норматив ҳужжатларни, тавсияномаларни ва бошқа нашрларни бир ой муддатда чоп этсинлар ва жойларга етказсинлар;

пайчиларнинг мулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳномалар шаклларини тайёрлашда жамоа хўжаликларига кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб борсинлар, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича илғор тажрибани умумлаштирсинлар ва кенг ёйсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Телерадио компанияси, Давлат матбуот қўмитаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини ширкат хўжаликларига айлантириш ва қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш масалаларини ёритиш юзасидан махсус эшиттиришлар, кўрсатувлар ва рукнлар ташкил этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 15 июль.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Президентликка муносиб номзод топилармикан?

Агар ўзини яхши томондан кўрсатаётган ва давлат раҳбари бўлишга муносиб одам топилса, Туркманистонда 2002 йилга бориб президент сайловлари ўтказилиши мумкин. Тошовуз шаҳрида бўлиб ўтаётган халқ кенгашининг саккизинчи мажлисида сўзга чиққан Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов шундай фикр билдирди. Сапармурод Ниёзов Туркманистон Президенти лавозимига биринчи марта анча олдин, 1992 йилда эса Туркманистоннинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан яна давлат раҳбари қилиб сайланган эди. Орадан бир неча йил ўтиб, референдум натижаларига кўра, Сапармурод Ниёзовнинг ваколати қайта сайловларсиз 2002 йилгача узайтирилди.

Туркманистонда яқинда янги байрам жорий этилди. У «Оқ буғдой» деб аталади. Бу байрам ҳар йили июль ойида, буғдой ўрими якунлангандан сўнг нишонланади. Агар қайси хўжалик ёки туман ёинки вилоят шу байрамгача давлат буюртмасини бажармаса, унинг раҳбари тезда ишдан бўшатилади. Айрим ҳолларда эса, судга берилади. Бу йил мамлакатда 1,2 миллион тонна дон етиштирилиб, давлат буюртмаси бажарилди. 2000 йилда Туркманистонда икки миллион тонна дон етиштирилиши керак. Аслида мамлакатнинг эҳтиёжлари учун бир миллион тонна ғалла етарли.

Россиядагилар ҳам сайловда қатнашадилар

Россияда вақтинча яшаб турган Озарбойжон фуқаролари ҳам кузда бўладиган президент сайловларида қатнашишлари мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган. Бу ҳақда Бокуда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Озарбойжон Президенти маъмуриятининг раҳбари Рамиз Мехтиев хабар берди. Турли маълумотларга кўра, ҳозир Россияда саккиз юз мингдан бир миллионгача Озарбойжон фуқароси яшамоқда. 11 октябрда бўладиган президент сайловлари демократик асосда ўтиши учун барча фуқаролар овоз беришда қатнашиши зарур.

Санкт-Петербургда мотам маросими

Кеча Санкт-Петербургда мотам маросими ўтказилди. Асримизнинг бошларида отиб ташланган подшо оиласи аъзоларининг жасад қолдиқлари дафн этилди. «Ушбу ҳақиқатни саксон йил давомида яшириб келишди, биз бу ҳақда албатта айтамиз. Бу ҳақиқий инсоний адолат бўлади» деб баёнот берди Россия Президенти Борис Ельцин. Шу муносабат билан Б.Ельцин ҳам Санкт-Петербургга келиб, мотам маросимида қатнашди.

Шахтада ёнғин

Иссиққўл атрофидаги кўмир шахтасида мотам маросими бўляпти. Жергалон шахтасида ёнғин юз берди. Натижада бешта шахтёр ҳалок бўлди. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаролар ҳимояси бўйича миллий вазирлик вакилининг хабар беришича, ҳалокат натижасида қуйган ва ярадор бўлганлар сони етти кишига етди. Ҳалок бўлган беш шахтёрнинг уч нафари қутқарув хизмати ходимлари эди. Ҳозирча ёнғин сабаблари аниқлангани йўқ. Шахтанинг ўта иссиқлиги сабабли ўт ўчирувчилар ёнғинни бартараф этишга эришолмаяптилар.

(«Интернет» тизими хабарлари асосида).

Юксак дон хирмони

Дон мустақиллигини таъминлашга муносиб улуш қўшиш учун астойдил меҳнат қилаётган Тошкент вилояти ғаллакорлари маррага етдилар. Улар уйган хирмон 230 минг тоннадан ортди. Бу йил 115,3 минг гектар майдонга буғдойнинг серҳосил навлари экилгани ўз самарасини берди. Ғалабага Оққўрғон, Янгийўл, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Тошкент туманлари деҳқонлари улкан ҳисса қўшдилар.

Ғаллакорлар давлатга яна қўшимча 10 минг тоннадан зиёд дон топширишга аҳд қилганлар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Марҳумлар хотираси ёдга олинди

Сув тошқини натижасида талофат кўрган Шоҳимардон қишлоғида марҳумлар хотираси ёдга олинди. Президентимиз Ислом Каримов бу ерда бўлган чоғида тошқин оқибатида жабр кўрганлар оиласини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қурбон бўлган юртдошларимизни эслаш, уларнинг руҳини шод этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

17 июль куни Шоҳимардонда табиий офат қурбонлари хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Абдурашид Баҳромов қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этиб, бундай маросим мамлакатимиздаги барча жоме масжидларида бўлиб ўтаётганлигини айтди.

Р. КОМОЛОВ,
ЎзА мухбири

Мустақиллик манзаралари



20 июль куни «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросими ўтказилганига роппа-роса икки йил тўлади. Ўшандан буён бир неча ўн минг Ўзбекистон автомобиллари ишлаб чиқарилиб халқимизга ва хорижликларга етказиб берилди. Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат сафига қўшилди. Ана шу қутлуғ кун барчамизга муборак бўлсин!

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мулоҳаза

Гап пулда эмас

ҳуқуқ поймол қилинмоқда

Яралганлар орасида жабр кўрмай ўтадигани бўлмаса керак. Аммо, унинг энг кўпи инсон чекига тўғри келади. Чунки, унда кўнгил деган мулк борки, қизғалдоқнинг ҳилпираб турган гулбаргидан ҳам нозик бўлади. Бироқ, минг афсуски, ана шу нуқтага озор етказадиган яна одам боласининг ўзи. Тиконнинг жабри яра битгунча, илон чақса заҳри кетгунча жисмга азоб бериши мумкин. Одамлар эса бир-бирининг кўнглига тегиб кетади, билиб-билмай тегиб ўтади.

Катта кўчага чиқинг, хаёлингизни тўплаб атрофга разм солинг. Одамлар қаергадир шошилади. Албатта, ҳаммасининг ўз ташвиши бор. Бир қарашда гўё бир-бири билан асло иши йўқдай. Аммо, ростдан ҳам шундаймикин? Афсуски, йўқ. Ахир улар битта жамиятда яшайди. Улар ўзаро шу қадар боғланганки, бир-бирининг тақдирига шу қадар таъсир қиладики... Транспортда, йўлда, ишхонада, дўконда... Хуллас, ҳамма ерда. Биз эса бугун ана шу боғланиш воситаларидан бири, пул билан бўладиган муомалага озгина тўхталиб ўтмоқчимиз.

Гапларимиз мазмунига аввал эътибор бермаганлар ҳам энди тушуниб етгандир. Пул билан тинимсиз муомала қиламиз. Бусиз ҳеч илож йўқ. Аммо, ана шу жараёнда ҳеч асабингизни бузишмаганми?

Дейлик, шошилиб метрога тушяпсиз. Жетон олиш учун узунгина навбатга туриб касса олдига борганингизда чўнтагингиздан пул чиқариб узатасиз. Сиз жетон кутган тирқишдан эса пулингизнинг ўзи қайтиб чиқади: «Негодный» дейди кассир аёл асабий. Нима қилиш керак, тортишишдан фойда йўқ. Бунинг устига навбатда турганлар ҳам сизни қистайди. Чўнтакдан бошқа пул чиқарасиз, иложи бўлса қирсиллаб турганини узатасиз. Асабингиз бузилса-да, шу билан иш битади, йўлингизда давом этасиз. Аммо, ўша «негодный» пул охиргиси бўлса-чи? Ахир ҳаётда нималар бўлмайди...

Ёки фалон сўмлик нарса олиш учун дўконга бордингиз, шунга етадиган пулингиз бор. Аввал ўша молни оласиз. Сўнг пулни узатасиз. Кутилмаганда сотувчи уни санаётиб орасидан бирини қайтариб узатади — «ўтмайди бу». Сиз бошқа йўқлигини айтасиз. Сотувчини эса бу қизиқтирмайди. Сўнг тортишасиз. Асабингиз бузилади. «Ўзларинг бергансанлар, мен йиртиб ўйнамаганман», дейсиз. «Олмаслик керак эди», дейди у. Ниҳоят...

Балки бу тортишувда сиз ютарсиз ҳам. Аммо, кайфиятингиз бузилгани қолади. Эҳтимол, шу куни ишингиз юришмас, эҳтимол, бирон хатога йўл қўярсиз. Эҳтимол... ҳаётда нималар бўлмайди, ахир?

Аммо, гап шундаки, ҳар иккала мисолимизда ҳам сиз ҳақсиз. Бунга тўлароқ аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига расмий сўров билан мурожаат қилдик...

«Ўзбекистон Республикаси герби, ҳарфли серияси, рақами, қийматини билдирувчи сўз ва рақамлари сақланган ҳамда ўзининг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайдиган, шакли тўлалигича сақланган, қасддан зарар етказиш излари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул бирликлари тўловга яроқли деб ҳисобланади. Агар пул бирлиги тўлиқ йиртилиб қайта елимланган бўлса ва бунда иккала қисми шубҳасиз битта пул бирлигига тегишли бўлса, шунингдек, бироз куйган бўлса, бундай пул бирликлари ҳам «эскирган» пуллар ҳисобланиб, тўловга қабул қилинади», дейилади жавобда. Бу эса бизнинг ҳақ эканлигимизнинг исботи.

Тўғри, ***атайин зарар етказилган (кўплаб ёзиб, чизиб, бўяб ташланган, пул қиймати рақамига қўшимча номлар ва бошқа сонлар ёзилган) пуллар, йиртилиб қайта елимланган ва бунда иккала қисми ҳар хил бўлган ёки бир қисмининг серияси ва номери йиртиб ташланган пуллар, тўловга яроқли эканлигини билдирувчи асосий қисми (1, 3 сўм қийматидаги пул бирликларининг олд томони ўнг тарафидаги, 5-200 сўмлик пулларнинг олд томони марказий қисмидаги рақам ва сўзлар) сақланмаган пуллар тўловга яроқлилик қобилиятини йўқотган ҳисобланиши ҳам маълум қилинган.*** Шу ўринда айтиш керакки, бундай аҳволдаги пулни ақли жойида одам чўнтагидан чиқармайди ҳам.

Энди масаланинг иккинчи томони қолди. Тўловга яроқли пулларни муомалада қабул қилмасликлари ҳам мумкинми?

— Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи тузилмалар, жамоат ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат ва хусусий корхона ҳамда муассасалар, жумладан, транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари аҳоли билан нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилишда эскириб кетган, тешилган, қисман йиртилган, ишқаланган, озгина доғ теккан, четига қалам ва сиёҳ билан рақам ёки ҳарф ёзилган пул бирликларини тўлов воситаси сифатида сўзсиз қабул қилишлари шарт.

— Хўш, унда асаббузарликларга сабаб нима? Балки Марказий банк йўриқномаси фақат ички фаолиятда фойдаланиш учун чиқарилгани боис жойларда яроқсиз пуллар фарқини билишмас. Марказий банк бу ҳақда ўйлаб кўрдимикин?

— Ташкилот ва корхоналар ҳамда фуқаролар аниқ маълумотга эга бўлишлари учун «Сўмнинг тўловга яроқлилик белгиларини аниқловчи қоидалар» барча банк муассасаларида мижозларга кўринарли жойга осиб қўйилган. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли «Халқ хўжалигида касса операцияларининг юритилиш Қоидалари»нинг биринчи иловасида ҳам сўмнинг тўловга яроқлилигини аниқловчи белгилар батафсил кўрсатилиб ўтилган.

Демак, ҳамма гап ўзбошимчаликда, ўз ишидаги қулайлик учун ўзгалар ҳуқуқини поймол қилаверишда, масъулиятсизликда экан. Қолаверса, бу одат эски тузум сарқити. Ундан қутулишнинг бирдан-бир йўли эса қарши курашиш. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини охирига қадар билган, ҳимоя қила олган тақдирдагина бундай ҳолларга чек қўйиш мумкин, холос. Аммо, кимгадир бу эриш туюлар, арзимаган 5-10, борингки 100-200 сўм учун тортишиб ўтирадими, деб истиҳола қилар. Бунга эса бизнинг жавобимиз тайёр. Аввало, 5-10 сўм ҳам ўз меҳнатингизнинг ҳосили, фарзандларингизнинг насибаси, қолаверса, яроқли пулни яроқсизга чиқараётган одам бир томондан Ўзбекистон пулига ҳурматсизлик қилаётган бўлса, иккинчи томондан сизнинг ҳуқуқингизни поймол этаяпти. Бунга эътиборсизлик эса... ҳар нарса дейиш мумкин.

Биз бугун айни шу муаммо билан фуқаролар асабини бузаётганларнинг аниқ адресини бермадик. Чунки, бу ҳар қадамда учрамоқда. Метро кассаларини-ку эслатмасак ҳам барчага маълум.

Яна бир истиҳоламиз бор. Савдо ходимлари кўпинча «Бу пулни банк қабул қилмайди» деган гапни айтишади. Аммо, биз бугун бу борада тўхталмадик. Агар ростдан ҳам «балиқ бошидан...» бўлса, унда мақолага муносабатларингизни кутамиз.

P.S. Расмий жавоблар учун Марказий банк раиси ўринбосари Муҳаммад Жумагелдиевга миннадорчилик билдирамиз.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 24 январь сонида чоп этилган «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мазкур мақола юзасидан тузилган комиссия томонидан кўрсатилган фактлар жойида атрофлича ўрганиб чиқилди. Текширишда ҳақиқатдан ҳам 1995 йилда «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалигида «Искандар» фермер хўжалиги ташкил этилганлиги ва унга 40 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берилганлиги аниқланди. Фермер хўжалиги 1995 йилдан бошлаб ажратилган ерга шоли, пахта, ғалла экиб юқори ҳосил олиб келган.

Кейинги йилларда фермер хўжалиги аъзоларининг ишни тўғри ташкил этишда йўл қўйган хато-камчиликлари сабабли ҳосилдорлик бирмунча пасайган. Туман ҳокимлиги томонидан ҳозирги кунда экилган қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида барча фермер хўжаликларига амалий ёрдам берилмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

Газетада босилмади, аммо...

Огоҳлантирилди

Китоб тумани Макрид қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Аёқчи қишлоғида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг ҳашар йўли билан қурилган чойхона биносига фуқаролар йиғининг идораси ва кутубхонани жойлаштирмоқчи бўлаётганлари тўғрисидаги аризаси вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Китоб тумани ҳокимлиги ва Макрид қишлоқ фуқаролар йиғини мазкур бинодан фақат чойхона сифатида фойдаланиш, бошқа мақсадларда фойдаланмаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. КАРИМОВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Лоқайдлик ҳам шунча бўлурми?..

Шайхонтоҳур тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев диққатига... биринчи бор эмас!

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён, оила ва маҳаллага, юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига катта аҳамият берилмоқда. Шаҳар ва туманларимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Янги-янги тураржой бинолари бунёд этилмоқда.

Ўтган 1997 йилда давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди. Лекин шунга қарамай, ҳамма жойда ҳам ишни кўнгилдагидек ривож топяпти, деб бўлмайди. Таҳририятга пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ мавзесидаги 16 уйда яшовчилардан шикоят хати келган эди. Унда жумладан шундай дейилади:

... Мавземиз фақат кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, 4-уй-жойдан фойдаланиш идораси томонидан хизмат кўрсатилади. Афсуски, 1994 йилдан буён бундай хизмат турларидан бирортаси ҳам бажарилмай келинмоқда. Бажарилганда ҳам кўп қийинчиликлар ва пала-партишлик билан амалга оширилмоқда. Бундай ноҳақликлардан турли норозиликлар келиб чиқмоқда. Шуни холисона текшириб, бизга ёрдам беришларингизни сўраймиз, деб 16- уйда яшовчилар.

(Жами 72 та имзо).

Биз юқорида баён этилган камчиликларни текшириш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги Жарариқ мавзесида бўлдик.

Кўз ёшлар

— Иссиқ ошинг бўлмасин, иссиқ уйинг бўлсин экан, болам, —дея гап бошлайди кўз ёш тўкиб, 3-уйда яшовчи Хуринисо Йўлчибоева. — Аксига олиб бу йилги қиш совуқ келди. Бунинг устига оёғим оғрийди. Устимга қалинроқ кийиниб, оёқ кийимда кўрпага ўралиб ухлаган кезларим ҳам бўлди. Уй совуқ. Нима қилай? Баъзан хўрлигим келади. Йиғлайман. Иккита меҳмонни кузатолмасанг. Номусдан уялиб ўлдим. Икки йилдан буён шу аҳвол. Ботирвойнинг олдига (идора раҳбари демоқчи) бир неча марта бордим. Ҳар гал: сиз бораверинг, опажон, уйингизни иситиб берамиз, деб қоп-қоп ваъдани беради. Афсуски, бу ваъдалар ёз келибдики, ҳали бажарилгани йўқ. Бу йил қишда нима бўлар экан-а? Шуни ўйласам, юрагим увишиб кетади.

— Бундай ваъдаларга ўрганиб қолганмиз, — дея давом этди шу уйда яшовчи маҳалла оқсоқоли Ҳусанбой ота Солиев. — Ўтган йили қишда «дом»имиздаги яна 25 та хонадон умуман иситилмади. Ёш болалар, кексалар шамоллаб қолишди. 4- уй-жойдан фойдаланиш идорасига қатнайвериб, тоқатимиз тоқ бўлди. Қачон бормайлик, жавоб битта: бажарамиз, ҳал қиламиз, эртага одам юборамиз, тузаттирамиз... Пулига келсак, имкон қадар ҳаммасини ўз вақтида тўлаб бораяпмиз.

Биз борган куни лифт ишламаётган экан. Бунга ҳам кўникиб қолганмиз, дейди Ҳусанбой ота. У киши билан 8-қаватгача кўтарилдик. Деразалар, эшиклар синган. Кўпгина деразаларга шифердан ямоқ ҳам солинибди. Ёриқ қувурлар клиёнка ва латта-путталар билан «йўргакланган». Нима қилайлик? Кучимиз етганича қўшниларимиз билан бирикиб таъмирлаяпмиз. Ишқилиб, ёш болалар тушиб кетмасин-да, дейди отахон 8-қаватдаги ойнаси йўқ деразани кўрсатиб... Мавзедаги айрим уйларда электр ҳисоблагичлар йўқ. Лекин, пули тўланаяпти. Ҳасан-Ҳусанга, Ҳусан Ҳасанга дегандай...

Ўзинг учун ўл етим

Мавзедаги кўп қаватли бошқа уйларнинг ҳам аҳволи ачинарли ҳолда. Атрофда ахлат уюмлари тўпланиб қолган. Болалар майдончалари йўқ. Ертўлалардаги манзарани кўриб уяласан, киши. 4- уйнинг ертўласидаги ифлос сувлар тиззангиздан келар-ов. Пашша, чивин, сувнинг ичида «сузиб юрган» баллону шланглар, латта-путта...

— Сувни юқорига «качать» қилиб берувчи тўртта моторни тузатиб берамиз, деб ўтган йили олиб кетишувди, — дейди Мирзамурод Қодиров. — Шундан буён улардан ҳам, мотордан ҳам дарак йўқ. Ёзда хонадонда сув бўлмаса қай аҳволга тушишингизни бир тасаввур қилинг. Айниқса, 10-12 қаватларда яшовчи аёлларга қийин-да. Сув йўқ, лифт ишламайди...

—Кўпдан буён ахлатларни олиб кетиш муаммоси бизни қийнаб келмоқда, — дейди 19-уйда яшовчи 85 ёшли Жўра ота Шерматов. — Юртчилик экан, яқинда қўшнимиз оламдан ўтди. Ишонасизми, 20-30 метр наридаги уюм-уюм ахлатлардан келаётган қўланса ҳид барчани ранжитди. Шундан кейин қўшнилар билан бирикиб ҳашар қилдик. Уйлар атрофини эпақага келтирдик. Бунақада яшаб бўлмайди-да.

... Сиз кўриб турган жойни ажойиб боққа айлантирса бўлади, дейди отахон шох-шабба-ю, моллар ўтлаб юрган жойни кўрсатиб. Ёзда дарахтларнинг соясида бир пиёла чой ичиб, ҳордиқ чиқариш қаёқда-ю ахлатларнинг ҳидига «маст» бўлиш қаёқда?!

20-уйда яшовчи Барно Жўраева саволимизга ажабланди.

— Тўғри, — дейди у. — Бундан икки йилча бурун уйларимизнинг атрофини фаррошлар супуриб кетишарди. Ҳозир негадир келишмаяпти. «Сокрашение»га тушганми? Гоҳида ўзимиз супурамиз. Лекин, ариқлардан чиқарилган, «старт»га шай турган ахлатларни айтмайсизми?

Мен не дейману...

— Тўғри, камчиликларимиз бор, — дейди 4-уй-жойдан фойдаланиш идораси раҳбари Ботирхон Усмонхонов хатни ўқиб. «Диктофон»га «ёзмаётганлигимизни» қайта-қайта сўраган раҳбар юрагидаги бор гапни тўкиб-солди. — Яқинда мажлис бўлувди. Шунда кўп қаватли уйларда яшовчилар билан «келишиб» олдик. Биз бир ой муддат ичида уларга барча шароитларни яратиб берамиз. Ҳали 15 июлгача вақт бор. Улар ҳам ўз «мажбуриятларини» бажарсинлар-да. Масалан, Жарариқ мавзесидаги 19 та уйда яшовчилар биздан 6,5 миллион сўмдан ортиқроқ қарздор. Кўпгина иситиш тармоқлари ҳам «переделка» қилинган. Подъездларнинг олдида «стоянка»лар ўрнатилган. Айрим ертўлаларда мардикор бозорида ишлайдиган ишчилар учун меҳмонхона, қўй боқиш учун қўралар ҳам қурилган экан...

Ўйланиб қоласан киши. Бундай камчиликларга ким барҳам бераркин? Ёки бу нуқсонлар яна йиллар давом этармикан? Қачон 4-уй-жойдан фойдаланиш идораси ходимлари ўз вазифаларини виждонан бажарадилар. Ёки уларга юқоридан махсус буйруқ керакмикан?

Уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари учун (1 кв.метр 12с.39т.) 2500 хонадондан йиғилган маблағлар қаерга, нима мақсадлар учун сарфланилаяпти? Ушбу савол яқинда маҳалла вакиллари, шаҳар ҳокимлигининг мутасадди кишилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам идора (ЖЭК) раҳбарига берилган эди. Аммо, ундан жўяли жавоб олинмади. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Аҳоли уй-жойдан фойдаланиш идорасига 1 кв. метрга 12 с. 39 тийиндан қайси кўрсатган хизматлари учун пул тўлаши керак.

Тўғри-да,иситиш тармоқлари қиш бўйи ишламаса, лифт аҳёнаҳёнда «тормоз»ланиб турса, подъезларда чироғу, электр ўлчагич асбоб бўлмаса, таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда бўлса, иссиқ ва совуқ сувларга маҳтал бўлиш ҳоллари тўхтамаса, албатта, пул тўлагилари келмайди-да. Ким ҳам емаган сомсага пул харж қилишни хоҳларди.

Минглаб эшик ва дераза ойналарини 20 июлгача идора ходимлари тузата олармикан (ўша йиғилиш қарорига кўра)? Ҳеч ақл бовар қилмайди. Йиллаб бажарилмай келинган, муаммо бўлиб турган бундай юмушлар бир ойдаёқ бекаму кўст амалга ошиб қолса-я?!..

Нима бўлганида ҳам, мутасадди ташкилот раҳбарлари аҳолининг ушбу ўринли талаб-истакларидан тегишли хулоса чиқаради деган умиддамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲДП хабари

Фойдали мулоқот

Қарши шаҳар ҳокимлигида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларидан келиб чиқадиган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, мафкура ходимлари олдида турган долзарб масалаларга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар, Ғузор, Деҳқонобод, Қарши, Қамаши, Нишон туманлари кенгашлари бошланғич ташкилотлари котиблари, партиядан сайланган халқ депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Мулоқотни Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов олиб борди.

Мулоқотда жамиятимиз мафкураси миллатни-миллат қилишга хизмат қилиши лозимлиги, бу йўналишдаги долзарб вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда миллий мафкура ғояларини улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирувчи кучга айлантириш муҳимлиги, бунда кенг қамровли фикрлар билан баҳсга киришиш лозимлиги тўғрисида фикр алмашинди.

Шунингдек, мулоқотда фуқаролар онгига янгича фикрлашни, янгича ишлашни сингдириш зарурлиги, унинг йўллари ҳақида ҳам қизиқарли мулоҳазалар билдирилди. Мулоқот қатнашчилари мафкура ходимларининг бундай учрашувларини, баҳс-мунозараларини барча шаҳар ва туманларда ўтказишни режалаштириб олдилар.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот маркази.

Диний экстремизм —

Етти йилдирки, Ўзбекистон дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда.

Мустақиллик — тараққиётнинг энг муҳим шартигина эмас, балки ҳозирги ва келгуси авлодлар учун давлат, жамият ва шахс зиммасида турган улкан масъулият ҳамдир. Истиқлол, миллий давлатчилик буюк неъматдирки, уни сақлаш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир.

Ўзбекистон миллий хавфсизликни таъминлашнинг янги моделини шакллантириш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шундай хавфсизлик тизими ишлаб чиқилмоқдаки, бунда келажагимиз, миллий хавфсизликка таҳдидлар олди олиниб бартараф этилаверади. Шахс, оила, миллат хавфсизлиги ҳамда суверенитетини таъминлаш аср бўсағасида амалга ошириладиган муҳим вазифалардан биридир.

Назарий жиҳатдан қараганда ички хавф-хатарлар тизими нималардан иборат бўлиши мумкин? Бу энг аввало, ижтимоий танглик, низо келтириб чиқарувчи вазият омилларидир ва умуман жамиятнинг шундай ҳолатики, бунда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизим, тартибсизлик ва бош-бошдоқликнинг бузғунчи кучига дучор бўлади. Жамиятнинг барча аъзолари эса таҳдид ва хавф-хатарлардан ўз вақтида огоҳ бўлишлари, унинг иллатларини билиши дастлабки шартдир.

Шу муносабат билан яқинда нашрдан чиққан «Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик» деб номланган тўплам алоҳида диққатга сазовор. Китобда дин ва хусусан исломнинг маънавий-маданий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида маълумот берилибгина қолмасдан, балки мазкур жараён келтириб чиқараётган ҳамда умуммиллий юксалиш йўлида қийинчиликлар туғдираётган, баъзи мамлакатларда бироз фаоллашган диний экстремизм ва ақидапарастликнинг айрим кўринишлари, келиб чиқиш сабаблари, ғоявий илдизлари ҳақида фикр юритилади. Ушбу хавфнинг вақтида олдини олиш, тарқалишига йўл қўймаслик бу жараённинг ўзи нималиғини билиш, иштирокчиларнинг мақсад ва интилишларини ўрганиб, жамоатчиликка тушунтиришнинг амалий-маърифий аҳамияти беқиёсдир. Гап шундаки, биринчидан, узоқ йиллар давомида халқимиз диний маълумот олишдан четлаштирилди. Натижада миллий онгимиз ва тафаккуримизда ўзига хос бўшлиқ пайдо бўлди. Шу бўшлиқ сиёсатимизга мос бўлган билимлар билан тўлдирилмаса, унинг ўрнини ўринсиз ғоялар эгаллаши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий жамият қуриш концепциясида дин маданий-маърифий омилларнинг умумий силсиласига кирувчи барча миллий қадриятлар қаторида тан олинди. Лекин, диннинг сиёсийлашуви кўзга ташлана бошланди. Шу боис, бундай жараённинг қандай кечаётганлиги, қандай хавфлар борлигини англашда таҳлилий ишларга эҳтиёж сезилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда китоб ўз вақтида чоп этилган, дейиш мумкин.

Китобда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг дунё миқёсидаги хавф эканлиги аниқ фактлар асосида кўрсатиб берилган. Ислом дунёсидаги кўпгина давлатлар, чунончи Жазоир, Миср, Туркия ва бошқалар диний терроризм хавфига дучор бўлмоқда. Афғонистонда давом этаётган уруш ва қўшни Тожикистондаги воқеалар таҳлил қилиниб, мисол сифатида кўрсатиб берилган.

Сиёсий вазият барқарор бўлмаган, зиддиятлар кескинлашиб кетган, миллат ҳаёти учун хавф туғдираётган мамлакатлардагина бундай вазият катта муаммога айланади, дейиш ўринли эмас, албатта. Бу муаммо ҳамма ерда, ҳатто Ғарбнинг илғор мамлакатларида ҳам юзага келиши мумкин. Дунёда диний экстремизм озиқлантириб турган можаролар мавжуд экан, бу муаммо долзарблигича қолаверади. Президентимиз И.А.Каримов қайд қилганидек «...диний фанатизмнинг «отилиб чиқишига», соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмагани сабаб бўлади».Бунга қўшимча қилиб шуни айтмоқ керакки, диний экстремизм хавфи, аҳоли диний жиҳатдан чаласавод бўлган, халқ таълими ва маориф соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилган шароитда жонланаверади.

Китобда «дунёвий жамият ва дин» тушунчаларининг моҳияти очиб берилган, диний таассуф ва уни бартараф этишнинг чора-тадбирлари ҳақида батафсил фикр юритилган.

Муаллифлар, Ислом динининг муҳим хусусиятларидан бири — уни қабул қилган халқ вакилларига ислом қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мусулмон маънавий дунёсига ўз ҳиссасини қўшиш имконияти берилганини таъкидлаб, бу жараённи уч даврга бўладилар. Жумладан, биринчи босқич шартли равишда Қуръон даври, иккинчи босқич исломда умумисломий аҳкомлар ҳукмронлиги остида турли фикрларга йўл қўйилган VII-VIII асрлар, учинчи босқич мусулмон дунёси «чекка» ўлкаларининг аҳамияти ва ўрни янада ортганлиги билан боғлиқдир.

Тўғри, Ислом дини ва тарихи, унинг маънавиятимиздаги ўрни тўғрисида кўп ёзилган. Лекин юқоридаги ҳолатлар билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида маълумот деярли йўқ. Ҳатто уларни илмий ўрганиш тўғри йўлга қўйилмаганди. Шу жиҳатдан муаллифларнинг бундай саволларга жавоб бериш йўлидаги ҳаракатлари илмий-маърифий билимимизни оширишга ҳисса қўшиши, табиий. Муаллифлар «Ваҳҳобийлик феноменига сиёсий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу диний оқим тарафдорлари кескин ақидапарастликка асосланган бўлиб, ҳозирги кунда ўта жангариликка таянган, Ислом динидаги фундаментал мафкурани амалга оширувчи «муқаддас уруш лашкарлари» деб таъкидлайдилар ва уларнинг мақсадларини очиб берадилар:

1. Асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ислом динига давлат дини мақоми берилган айрим давлатларда, «жиҳод», «мужоҳид» атамалари пайдо бўлдиким, ундан кўзланган мақсад «соф ислом» учун кураш.

2. Ислом ақидаларига мойил, сиёсий тузумлар барпо қилиш йўлида кураш.

Бу ҳаракатлар ислом таълимоти бўйича фатво чиқарувчи айрим марказлар томонидан мусулмончиликнинг олтинчи қоидаси даражасига кўтарилган. Шу боис ҳозир ваҳҳобийликни, «мужоҳидлик» билан тенг кўйиб, «жиҳодни» ислом дунёсини кенгайтириш, панисломизм ғояларини жаҳон бўйлаб тарқатиш, деб баҳоланмоқда. Умумун олганда, тўпламнинг пайдо бўлиши, дунёвий жамиятни шакллантиришда ёшлар маънавиятини бойитишга хизмат қилади.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлларидан бири қуйидаги тамойилларга амал қилишдир, деб таъкидлагани муҳим аҳамиятга эгадир:

қайси динга мансубликларидан қатъи назар, диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

диний эътиқодларни, фуқароларнинг ёки улар уюшмалари

1 2 3 4

Рўйхатдан ўтмадими, демак саводи ҳам чиқмайди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси, ЮНИСЕФнинг маълумотларига кўра, дунёдаги болаларнинг учдан бир қисми келажакда на маълумот олишга, на медицина ёрдамидан баҳраманд бўлишга, на сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Чунки уларнинг туғилганликлари ҳақидаги маълумотлар рўйхатга олинмаган. Кўпгина мамлакатларда болани мактабга қабул қилишда ёки шифохона рўйхатидан ўтказишда туғилганлик гувоҳномаси жуда зарур. ЮНИСЕФнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида мамлакатларнинг ҳукуматлари болаларнинг туғилганлигини рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришлари зарурлиги айтилади. Сабаби, айни пайтда 40 миллион бола туғилган пайтида рўйхатдан ўтказилмаган. Бу борада Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзасида аҳвол ачинарли. Кўпгина Африка мамлакатларида, Сахаранинг жанубида ҳам аҳвол яхши эмас.

Сайловда ғирромлик бўлганмиш

Эквадор Олий сайлов трибунали мамлакатда якшанба куни бўлиб ўтган президентлик сайлови якунларини эълон қилди. Христиан демократик иттифоқи — Халқ демократияси партияси раҳбари Хамил Мауад сайловда ғолиб чиқди.

Айни пайтда унинг асосий рақиби—йирик тадбиркор Алваро Нобоа сайлов натижаларини тан олмаслигини айтмоқда. Унинг таъкидлашича, сайлов варақаларини ҳисоб-китоб қилиш вақтида трибунал ғирромликка йўл қўйган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, сайлов натижаларини йўққа чиқаришга бўлган уринишларга қарамай, сайлов демократик йўсинда ўтган ва ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмаган. Эквадордаги асосий партиялар ҳамда халқаро кузатувчиларнинг фикри ҳам шундай.

Давлатнинг янги раҳбари жорий йилнинг 10 августидан бошлаб ўз вазифасини бажаришга киришади.

Чегарани ўзлари қўриқлайди

Россия чегарачилари Грузия ҳудудига тегишли денгиз чегаралари назоратини босқичма-босқич грузиялик ҳамкасбларига топшира бошлашади.

"Ўз давлат чегараларини ўзи қўриқлай олмайдиган мамлакат ҳеч қачон тўла мустақил давлат ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам ҳудудий чегараларимизни ўз кучимиз билан қўриқлашга интилаётганимиз ҳеч кимни таажжублантирмаслиги керак". Миллий радио орқали берган баёнотида Грузия Президенти Э.Шеварднадзе шундай деди.

Мазкур жараён бир йилда ниҳоясига етади.

Мусиқасевар олачипор

Табиат қўйнида дам олишга нима етсин. Айниқса, Украина ўрмонларининг гашти бор. Қўшиқсиз, мусиқасиз дам-дамми?! Степан П. ҳам гитарани қўлтиқлаб бир гуруҳ кўнгилтортар дўстлари билан яшиллик бағрига йўл олишди. «От-от» қилишди. Дарёда чўмилишди. Муздек сув одамнинг кайфини чоғ қилади-да. Степан етти симни ажиб бир завқ билан черта бошлади. Негадир гитараси сал оғирроқ бўп қолгандай туюлди. Ҳақиқатан ҳам машшоқ йигит тўғри пайқабди, мусиқа асбобининг «қорнига» заҳарли илон ўралиб олибди. Бармоқлари торларни чертганда негадир халақит бермади, жимгина «тинглади». Гўё аврангандай бошини сарак-сарак қиларди.

Степан қўрққанидан гитарани силкита-силкита «тингловчи»ни қоқиб туширмоқчи бўлди. Ғазабланган илон унинг қўлидан чақди. Яхшиямки, дўстлари ўз вақтида шифохонага етказиб келишди. Беморни шифокорлар асраб қолди.

Беморнинг аҳволи хатардан холи бўлгач, йигитлар ўрмонда қолган гитарани эслаб қолишди. Боришса — олачипор илон ҳалиям мусиқа асбоби устида кулча бўлиб ётган экан.

Целетозавр тухуми

«Виржиния» сайёҳлик сув лайнери Сомалидаги Могадиш портида тўхтади. Сайёҳлар қирғоққа ёпирилишди. Америкалик Жорж Бантен ҳам шу кемада сузаётганди.

Ўрта яшар сомалилик Бантенни бир чеккага имлаб чақирди-да, хол-холлик каттакон тухумни кўрсатди, ноёб нарса. Сотувчи инглиз тилини бузиб-бузиб ғалати лаҳжада бидирлай кетди:

— Бу тухум ноёб топилма — целетозавр авлодидан, тасодифан қазиш пайтида қўлимга тушиб қолувди.

Хуллас, Бантеннинг енгидан кириб, баридан чиқди. Жорж таниқли орнитолог олим эмасми, тухумга қизиқсинди. Целетозавр тухумига 90 долларни аямади, яна денг, сотувчи 10 долларга тухумнинг кокс ёнғоғи пўстлоғидан тайёрланган ғилофини ҳам қўшиб сотди. Сотувчи билан харидор хуш-хушвақт хайрлашишди. Жорж Америкага қайтгач эса тухумнинг чуви чиқди. Маълум бўлишича, «ноёб» топилма оддийгина сомали туяқушининг тухуми экан.

Латифанома «целетозавр тухуми» воқеаси ҳақида эса «Балтимор сан» газетасида машҳур орнитологни «Лақма Жорж» дея таъна қилганлари қолди.

Гулфия ЖУМАБОЕВА тайёрлади.

Қўллаб-қувватлашга даъват этди

Расмий ташриф билан АҚШга келган Руминия Президенти Эмил Константинеску мамлакат парламенти аъзолари билан бўлган учрашувда уларни Руминиянинг НАТО аъзолигига интилишини қўллаб-қувватлашга даъват этди. У конгрессменларнинг ялпи йиғилишида сўзга чиқиб, Жануби-шарқий Европада барқарорликнинг мустаҳкамланишида Руминиянинг аҳамияти ғоят муҳим бўлишини таъкидлади.

Қўшимча иш ўринлари очилади

Германиянинг "Фолксваген" концерни ишлаб чиқараётган автомобилларга талаб ошгани боис концерн раҳбарияти қўшимча иш ўринлари ташкил этишга қарор қилди. Энди автомобиль заводларида шанба, якшанба кунлари ҳам иш давом эттирилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам мазкур концерннинг "Голф", "Лупо" ва "Бора" русумли автомашиналари тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Ёнғин туфайли аҳоли кўчирилмоқда

Канада ўрмонларида об-ҳавонинг исиб кетиши туфайли ёнғинлар авж олмоқда. Айниқса, Британия Колумбияси ва Манитоба вилоятларида оловнинг тафти хийла баланд. Онтарио вилоятининг шимолий туманларида эса 140 та ёнғин ўчоғи қайд этилди.

Айни пайтда ёнғин тобора яқинлашиб келаётган Бэрскин-Лейк ва Касабоника-лейк шаҳарлари аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.

Концерн судга берилди

Норвегия темир йўллари Германиянинг "Сименс" концерни келтирган зарарни ундириб олиш мақсадида судга мурожаат қилди. Гап шундаки, "Сименс" Норвегияга 11 та дизелли локомотив етказиб берган эди. Кейинчалик эса турли сабабларга кўра, Норвегиянинг шимолий ҳудудларида улардан умуман фойдаланиб бўлмаслиги маълум бўлди. Келтирилган зарар ярим миллиард Норвегия крони (тахминан 70 миллион АҚШ доллари) миқдорида баҳоланмоқда.

Ақидапарастлик — жаҳолатдир

хавфсизликка таҳдид

нинг хусусий иши деб тан олиш;

диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

миллий тикланиш, умуминсоний, ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш;

диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Дин, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини эгалламоғи лозим. Унинг функциясини ҳеч ким бекор қилмаган ва қилмайди. Дин ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилади.

Муаллифлар диний фундаментализмнинг моҳиятини очиб беришда Президентимизнинг қуйидаги тавсияларига асосланганлар:

биринчидан, фундаментализм диндор мусулмонларнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришга уринади;

иккинчидан, фундаментализм диндорларни ўзига тўла бўйсунэса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдори қилиб кўрсатмоқчилар;

олтинчидан, фундаменталистлар бошқа конфессиялар ҳуқуқини тан олмайдилар ва диниий онг (институтлар)нинг альтернатив шаклларини йўқ қилишни бурчлари деб ҳисоблайдилар. Улар бир диниий оқимнинг жаҳонга ҳукмронлик қилишини ўзларининг олий мақсадлари деб биладилар.

Диний экстремизмнинг асосий хавфи шундан иборатки, у эзгу ниятлардан бошланади. Баъзан унга аллақачонлар етилган муаммоларни ҳал қилишнинг сўнгги воситаси сифатида мурожаат қиладилар. Ўзини қийнаб келган ижтимоий муҳим муаммони ҳал қилиш иштиёқи билан қуйиб-пишиб юрган софдил ва ақлли одам, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, тарғибот-ташвиқот найранглари сиртмоғига тушиб қолиб, унинг қурбонига айланиб қолиши мумкин.

Диний, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳал қилишга комплекс ёндашиш, таълим-тарбия, ижтимоий тараққиётнинг янги йўлларини ахтариб топиш ақидапарастлик йўлидаги тўсиққа айланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу китоб ўз вақтида ёзилган ва маънавиятимизни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади. Уни фақат талабалар, мутахассисларга эмас, балки кенг жамоатчиликка етказиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

С. ЖЎРАЕВ, сиёсатшунослик фанлари доктори.



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ-I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба 20 июль куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Қизиқарли учрашувлар».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.35 «Ёр келади, кўзлари хумор келади». Мусиқий дастур.
22.00 «Тадбиркор минбари».
22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 26-кўй.
23.05 «Ахборот».
23.30 — 23.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларидан». Телесериал.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ. «Миллионерга қандай қилиб турмушга чиқиш мумкин».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.40 «Ғаҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Марғилон ипаги».
9.35 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
10.00, 12.00, 14.00— Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.35 Кундузги сеанс. «Йўқолган ҳазина». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадио-компанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
13.25 «Вов» лақабли мушукча». Мультфильм.
13.35 — 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

* * *

17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.35
Россия жамоат телевиденияси кўрсатувлари
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
*
21.00—21.30
РДТ «Вести».
*
21.30 «Зебо зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
21.55 «Ўт ўрувчи I». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 **Туркия телевиденияси**
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон»
«Дидар»
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «Намастэ».
21.25 Кинематограф. «Илонлар водийсининг касофати».
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 21

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Олтин тож». Телеўйин.
9.10 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Салламно». Р. Маннонова.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Болалар учун. «Чамандаги гулларимиз».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 6-серия.
12.20 Кундузги сеанс. «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
14.10 — 15.00
«Ёшлик студияси». «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Жасур бўлиш осонми?!». Мультфильм.
18.20 Солиқ ва назорат.
18.45 «Қўшиқла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
19.05 «Хирмон тўлиб, тўкилди дон...».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Вазият».
21.30 «Акс-садо».
22.00 «Оталар чойхонаси».
22.55 «Қиёфа».
23.25 «Ахборот».
23.50 — 23.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.10 «Тошкентнома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 Дубляж.
22.10 «Даракчи».
22.20 Спорт қитъаси.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Кинонигоҳ. «Махсус топшириқ».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевиденияси кўрсатувлари
*
20.35 «Лола». Фильм-концерт.
*
21.00—21.30
РДТ «Вести».
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.05 «Шарқ киноси: «109-поезд тўхтовсиз юради». Бадиий фильм. (Япония).
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 **Туркия телевиденияси**
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.20 Мусиқий танаффус.
19.35 «Минг бир маслаҳат».
19.45, 21.40 — Эълонлар.
19.50 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.35 Мусиқий танаффус.
20.40 «Дорихона» эшитади.
21.10 Телефакт.
21.20 Хит-коллекция.
21.45 «Қувноқ кино».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ошиқ дил наволари». Мусиқий дастур.
8.45 «Томчи».
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Ушалмаган орзулар».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
*
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 7-серия.
12.20 «Акс-садо».
12.50 Кундузги сеанс. «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10—15.05 «Ёшлик» студияси: «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи». 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд-умид юлдузи».
18.25 «Химмат».
18.45 «Барҳаёт сиймолар». Ж. Низомхўжаев.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигига «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.50 «Ёшлар» телеканали:
«Дунё кўриб, дунёлар ярат».
«Кулги терапияси».
*
23.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 27-кўй.
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Тошкент—Сиэтл биродарлашган шаҳар.
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Нигоҳ».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Экранда — детектив.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевиденияси кўрсатувлари.
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30
РДТ «Вести».
*
21.30 «Соя кетидан қувиш». Бадиий фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 **Туркия телевиденияси**
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.50 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 «Мезон».
20.50 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Дурдаршан».
21.55 Олтин хазина. С. Абдулла, Т. Жалилов «Тоҳир ва Зуҳра». Андижон вилоят театрининг спектакли. 1-қисм.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 23

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Истеъдод». Ҳ. Қувватов.
9.00 «Мураббий». Спор дастури.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Физика.
*
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 8-серия.
12.20 «Зийнат».
12.35 Кундузги сеанс. «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Оламни асранг!».
14.10 — 14.30 «Жараён».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Жайхун» тароналари.
21.50 «Бозор рақобати—сифат кафолати».
22.10 «Телевидение: томоша, томошабин».
22.35 «Ахборот».
23.00 «Сомон йўли».
23.55 «Муҳаббат ҳақида миш-мишлар». Бадиий фильм. (Миср Араб Республикаси).
01.35 — 01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.45 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Бўш ўтирма».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 Мумтоз наволар.
22.00 «Даракчи»(рус тилида).
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Оилавий экран. «Одам-амфибия».
23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевиденияси кўрсатувлари
*
20.35 «Умр дафтари». Адабий-публицистик кўрсатув.
*
21.00—21.30
РДТ «Вести».
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Кино сайёраси «Ягуар». Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Минг бир маслаҳат».
19.20 «02» тўлқинида.
19.35, 21.05 — Эълонлар.
19.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.25 Клип-антракт.
20.35 «Ягона осмон остида».
20.45 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.10 Киносалон.
22.50 «Мусиқий Олимп».
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 24

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Созимда севги васфи». Концерт.
8.45 «Меҳр макони».
9.00 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Болалар учун. «Ёзимиз соз ўтмоқда».
11.20 «Ҳуқуқий жамият сари».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 9-серия.
12.05 «Эртанги кунга ишонч».
12.25 Кундузги сеанс. «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
13.40 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
14.10 — 14.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телеўйин.
18.30 «Дунё адабиёти».
18.50 «Фермер». Телетанлов.
19.10 «Ёшлар куйлаганда».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Настарин атри». Б. Исроил.
21.50 «Оила». Тележурнал.
22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 28-кўй.
23.05 «Аруз гулшани».
23.15 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
23.40 «Азиз сиймолар».
24.00 Бадиий фильм.
01.20—01.25 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон, ўйна!».
18.30 Экранда премьера. «Довюраклар». Ҳужжатли сериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Йирик планда».
20.15 «Туйғуларим».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Бокс, Бокс Бокс.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Қизил ботинкали одам».
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
*
6.30—8.00
17.20—20.35
РДТ «Вести».
*
20.35 «М. М. шоу».
*
21.00—21.30
Россия давлат тедевиденияси кўрсатувлари
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Оскар совриндорлари: «Ребекка». Бадиий фильм. (1940 йил).
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45
Туркия телевиденияси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.50 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ўй остонадан бошланади».
21.20 Дурдаршан.
21.55 Кинематограф. «Қора шаҳзода».
23.30 «Араб эстрадаси».
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 25

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Зиёрат».
9.30 «Шумтака».. Мультфильм премьераси. 10-серия.
«Ёшлар» телеканали.
9.45 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Қувноқлар ва зукколар».
«Ўзбекистон аскарлари».
«Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
*
12.05 «Хатларда ҳаёт акси».
12.30 «Ҳазрати Инсон». Публицистик кўрсатув.
12.45 Кундузги сеанс. «Малина киноси». Бадиий фильм.
14.15—14.45 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
21.55 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
22.20 «Мусиқий саёҳат».
22.40 «Парвариш». Бадиий фильм. 1-2-серия.
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ў ким? Бу нима?».
8.15 Оилавий экран. «Одам-амфибия».
9.40 «Спорт қитъаси».
10.10 «Янги ой чиққан кеча».
10.25 «Лавжой». Телесериал.
11.15 «Яхши дам олинг».
11.35 «Ҳудуд». Тошкент —Сиэтл биродарлашган шаҳар.
11.55 Болалар экрани.
13.25 «Табобат оламида».
13.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
14.35 «Жозиба».
15.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.35 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
17.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 ТВ ва театр.
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ. «Чехра».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.05—23.30
Россия жамоат телевиденияси кўрсатувлари
*

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Спектаклдан сўнг».
11.40 «Табиат билан танишув». Ҳужжатли фильм (Япония).
12.10 «Туманларсиз Британия».
12.25—12.50 «Ассалом, Франция!».
*
17.10—18.45 **Туркия телевиденияси**
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 22.20 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «5 дақиқа ўзим учун».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Осиё—монитори».
22.00 Хит коллекция.
22.25 Киносалон.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЁШЛАР» телеканали
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Учрашув».
«Сочининг савдоси тушди».
«Сизга ўхшагим келади».
«Ёшлар ва эстрада».
«Пўлат тулпорлар».

* * *

13.10 «Катта танаффус». Телеўйин.
13.40 «Ҳаёт рисоласи».
14.20 «Санъат сеҳри». Мусиқий дастур.
15.10 — 15.40 «Болалигим — пойтоғим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ялқов». Мультфильм.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами». Ортиқали Қозоқов.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.30 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
22.40 «Кино янгиликлари».
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.15 «Нигоҳим сенда». Бадиий фильм.
00.45 Спорт дастури:
1. «Спорт, спорт, спорт».
2. «Футбол майдонларида».
01.15 — 01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ўйна, болажон, ўйна!».
8.15 «Гап йўқ».
9.15 «Бизнес-академия».
9.35 «Йирик планда».
9.55 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
10.05 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
10.30 «Дойче Велле» тақдим этади...»
10.50 «Лавжой». Телесериал.
11.40 «Эстрада тароналари».
12.00 Болалар экрани.
13.45 «Нигоҳ».
14.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
*
**«ЯКШАН

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 18 iyul, shanba № 85 (22.322).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК,
навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Чорлов

Ёзнинг бир ажойиб, чўнг оқшомлари,
Уфқлар чангига чўкади қуёш.
Тингандай кўринар мавжудот бари,
Елиб кел ёнимга шундай пайт, сирдош!
Тераклар сояси жим чўкар тунга,
Боғотда қушлар ҳам бугун оқшом жим.
Мен фақат дардимни айтаман сенга,
Сенга шодлигимни айтаман, дўстим!
Бунда соҳилларнинг қучоғи бўм-бўш,
Ой дарё юзида қалқар тун бўйи.
Қирғоқда мажнунтол паришон, хомуш,
Куни-тун қисмати ўтар шу кўйи.
Уларга боқаман бир ҳайрат билан,
Юлдузлар тепамда жимирлайди тинч.
Чўққилар бошида сирғалар туман,
Нени хоҳламайман, недандир нотинч, —
Дунё қисматига боқаман ҳайрон!
Қисмати бунчалар чигал ва қайтмас.
Бир ёнда тўй бўлса, азадир бир ён,
Бир дилда мотаму, бир дилда ҳавас.
Изтироб юрибди қанотсиз, унсиз,
Юзида маъни йўқ, рангсиз ва беҳол.
Шодлик ҳам бундадир, бунда оппоқ ҳис,
Бундадир кундуз деб аталган иқбол.
Қайтмас умрларни бағрига босиб,
Қабристон бир ёнда ваҳима ичра.
Бир ёнда гўдаклар тонгга муносиб,
Мангулик бир ёнда яланглик узра.
Юрибман дунёнинг остонасида,
Гоҳо мен шод бўлсам, гоҳо хафақон.
Бир пайт бахт кулганди ҳаёт бошида,
Уни кўраманми тағин бирор он?!
Узоқда юрибди бева қолган ишқ,
Ўзига етади унинг ҳам дарди.
Йиллар орамизда йўқолган қўшиқ,
Гоҳо эшитилар эпкини, гарди.
Мен нима қиламан, нега керакман?!
Бахтли болаликнинг эртаги битган.
Мен ёрнинг бошида синган тароқман,
Чувалган сочларин таролмай кетган.
Шундай пайт ногаҳон кетаман жўшиб,
Бир илиқ меҳрга зорман бу оқшом.
Ошнам, тезроқ келгин ёнимга шошиб,
Тезроқ кел, тезроқ кел суҳбатга, ошнам.

Аҳадулло МУСТАФОЕВ

Кўнгил ўйғонганда

Эрур тожикча мижгону кўзи аммоки туркона

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари ўтиши муносабати билан юртбошимиз Ислом Каримов кутилмаганда янгича бир изҳори дил билан устод Абдураҳмон Жомийнинг Алишер Навоийга бағишлаган шеърий сатрларини келтириб, гулдурос қарсаклар остида абадийлик рамзи бўлган икки халқ дўстлигини шарҳлаб берди:

Хоса кй ба боғи ошнои,
Дар шохи вафо бувад Навои...

Дарҳақиқат, Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги бу оташин мисралар ўн бешинчи асрдаёқ ўзбек халқига берилган катта дўстона баҳодирки, унинг таржимаси шундай:

Дўстлик боғидаги махсус хушкалом,
Вафо шохидадир Навоий мудом.
Гўзал сўзлар билан наво айлагай,
Озурда дилларни даво айлагай,
Бундай бошқа ишнинг бўлмас адоси,
Жаҳонда дўстлари бўлсин фидоси...

Ёҳуд йўлбошчимиз маърузаларида тилга олинган «Юсуф ва Зулайҳо» достонида Жомийнинг Навоийга нисбатан айтилган қуйидаги оташин мисраларини муштарийлар ҳукмига бир янгиликдек ҳавола этиш мумкин.

Алишери Навоийким азалдан,
Эрур машҳур ҳар шеъру ғазалдан.
Шижоат бешасида паҳлавон ул,
Али ҳам шер машҳури жаҳон ул.
Лозим деб билмадим шов-шувни элга,
Номин пинҳона олдим чунки тилга.

Шунингдек, ҳазрати Жомий улуғ Навоий ила ўз қондошлигини ушбу тўртликда акс эттирганки, кейинчалик унга Боқи Раҳимзода ва Ғафур Ғулом ҳамда бошқа шоирлар тазмин бағишлашган:

Соиле маро пурсид ажаб,
Ба фалони чи нисбат асту насаб.
Гуфтам ў турку ман тожик,
Лек дорем хешин наздик.

Таржимаси:

Палончига эрурсан қандайин хеш?
Дебон мендан сўрар девона дарвеш.
Дедим, тожикмену ул турки барлос,
Жудо бўлмас эту тирноққа биз хос.

Абдуллоҳ Хотифий (Жомийнинг жияни) ҳазратлари ҳам Навоийни улуғлаб шундай деган:

Рустамдек шамширда, Моний — қаламда,
Алишер миллатнинг фахри оламда.

Абадийлик тимсоли

Сўзим интиҳосида Низомиддин Алишер Навоий ҳазратларининг маърузада тилга олинган машҳур ғазали таржимасини муштарийларга армуғон этаман:

Нигори турки тожиким этар юз уйин вайрона,
Эрур тожикча мижгону кўзи аммоки туркона.
Муродим шул эрур, то кўзларимни зулфига сурсам,
Тараб киприкларим бирла, ёзиб зулфини ҳар ёна.
Ёқар кўнгил қуши болу парини истаса бир кеч,
У шамъ боши уза кўп чарх урар монанди парвона.
Бўлар кўксинг эшик дилда муҳаббат қасрини қурсанг,
Алифлар ёнма-ён саф тортишар гўёки дандона.
Уриб ўзни девор остига ҳар дам сояе кўрсам,
Қулаб тушгай оҳим ўтидан охир сакфи кошона.
Эса хилват қоронғу пири муғон сори бор, эй шайх,
Ки бўлгай май зиёси бирла равшан кунжи майхона.
Чиқорса диндану боғлаб санам зуннор қайтарса,
Бағишлаб нақди дин олсин гуноҳим бори мастона.
Менга паймона, риндларга узат соғарда эй соқий,
Вале май хумини кўнглим учун сен айла паймона.
Насиҳатгўй Фоний ҳам хирад ойинидан чиқмиш,
Қачон бўлгай киши ақли эса ҳамдарди девона?

Олимжон БЎРИЕВ.

Узоқдаги яқин дўст

Ўзбек феъли

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади деганлари рост экан. Мен ҳам 1957 йил ёзида Ургутга Ҳамроқул жўрамникига меҳмон бўлиб боргандим. Унинг томорқасида 40-50 туп ток бор экан. Қишлоқ моллари подада боқиларкан. Кун ботганда подадан келаётган моллар ва 40-50 тача қўй-эчкилар ёпирилиб токка ёпишдилар. Уларни бир илож қилиб қайтардик. Кўча томонда узунлиги 40 метр келадиган майдон очиқ. Аҳвол эса ҳар куни шу. Кўчада доимо 2-3 киши туриши керак. 10 тупга яқин токнинг ғўраси-ю, барглари қолмаган. Ҳамроқулнинг ҳашари эсимга тушиб, Ҳамроқул жўра, боринг қўшниларингизникидан 2-3 та кетмон келтиринг, — дедим.

— Ҳа, нима қиласиз?

— Керак. Мана, бир машина тоғ тошингиз бор экан. Ҳовлингизнинг кўча томонига пахса девор урамиз.

— Э, қўйинг. Кўрган одамлар келган меҳмонни ишлатяпти, дейишади. Бунинг устига мен эртага Тошкентга дам олишга кетяпман. Йўлланма сотиб олганман.

— Гапни кўп қилманг. 2-3 та кетмон топиб келасиз, дедимми, вассалом, деб Ҳамроқулни кетмонга юбордим. Ҳамроқул отасиникидан ва қўшниларникидан 3 та кетмон олиб келди. Кечки овқатни еб бўлгандан сўнг кўча ёқасидан 40 метр узунликдаги ерни ағдариб, сув қуйиб, тупроқни лой қилиб эраталабга тайёрлаб қўйдик.

Эрталаб барвақт туриб лойга тушиб, лойни тепиб пахсага тайёрлаётган вақтимизда Ҳамроқулнинг отаси Қудрат ота келиб:

— Ҳорманглар, болаларим! Балли, ўғлим. Ўғлимнинг сиздай дўсти борлигидан юрагим нурафшон бўлиб кетди. Бир-икки ойдан буён кўча томонингни беркит деб, Ҳамроқулга зоримни қиламан, қулоқ солмайди. Ҳа, қиламиз-да, дейди-қўяди. Бу токларни мен ўз қўлим билан экиб берганман. Токларнинг пайҳон бўлганини кўриб, юракларим сиқилиб кетади. Балли ўғлим, балли. Меҳр-оқибатли дўстлик ипларингиз узилмасин. Инсонийлик пойдеворига қурилган дўстлик кишиларга катта бахт ва омад келтиради. То абадий бориш-келишли бўлинглар, деди.

— Ота, Ҳамроқул Тошкентга дам олиш учун йўлланма олган экан. Ақлий меҳнатдан чарчаган одам, жисмоний меҳнат қилиб дам олсин деб, шу фикрни ўйладим, —дедим.

— Бу гапингиз тўғри, мен ҳам қўшиламан. Аҳатқул, бор ўғлим, пахсага уста акангни айтиб кел, — деб Аҳатқулни устага юборди.

Уста ака ҳам келди. Мен, Ҳамроқул, Акбар ва Аҳатқул тўртталамиз лойни пишитиб тайёрладик. Яна икки киши ёрдамга келиб, пахсанинг остига қўйиладиган тошни териб тахладилар. Шу куни кечгача 40 метр ернинг биринчи пахсасини тугатдик.

Иккинчи куни эрталабки нонуштадан кейин отадан оқ фотиҳа олиб йўлга тушдим. Буни қарангки, 40 йилдан буён шу пахса ҳали-ҳанузгача бизларнинг дўстлигимиз рамзи сифатида тик турибди.

Саъдулла ЭШҚУВВАТОВ

«ООО» Техинвест ИИЧХ фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 76-04-19 телефони орқали қабул қилинади.

Янгийўл туманидаги Муқимий номли 17-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Искандар Сарварович Қўчқоров номига берилган АМ № 406857 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Вақт бирлиги қанча бўлган?

Нима учун вақт бирлиги 60 дақиқа ёки 60 сония қилиб олинган? Бунинг боиси бор, албатта.

Одамлар бир кеча-кундузни 24 соатга бўлишни расм қилиб олгунларигача узоқ асрлар ўтди. Хўжалик ишларини тартибга солиш учун вақтни жуда аниқ белгилаш талаб қилинмаган энг қадимги замонларда кишилар кеча-кундузни тўрт қисмга: эрта, кундуз, кеч ва тунга бўлиш билангина кифояланганлар.

Эрамиздан бурун яшаган қадимги грек шоири Ҳомер бир кеча-кундузни олти қисмга, яъни туннинг боши, ўртаси ва охири, куннинг эрта, туш пайти ва кечқурунга бўлиниши ҳақида нақл қилган эди.

Кейинчалик кўпгина халқлар заруият орқасида кеча-кундузни майдароқ қисмларга бўлишга уринганлар. Чунончи, эрамиздан аввалги саккизинчи асрдаёқ икки дарё оралиғида яшаган бобилликлар бир кеча-кундузни 12 қисмга бўлганлар. Бу қисмларнинг ҳар бири бизнинг икки соатга баробар келарди.

Астрономия фанининг илмий муассасалари соатни янада майдаларга бўлишни тақозо этди. Шу тариқа соат 60 дақиқага, дақиқа эса 60 сонияга бўлинди. 60 сони кўпгина амалий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди. Бу сон ҳисоблашга қулай.

Бундан ташқари бу сонни танлашда Шарқда тарқалган олтмишлик ҳисоблаш тизими ҳам назарда тутилди. Бир кеча-кундуз 24 соатга, соатни эса 60 дақиқага, дақиқани эса 60 сонияга бўлиш анча қулай бўлганлигидан ҳозирга қадар ўзгармай келмоқда.

Орамиздаги одамлар

Гўзаллик — меҳнатда...



Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, дейди халқимиз. Ўтиш даврининг дастлабки йилларида кўпгина соҳаларда бўлгани каби «Қишлоқхўжаликтехника» бирлашмаларида ҳам захирадаги деталларнинг танқислиги сезилиб қолди. Бундай пайтда мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда ишбармонлик ва тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Абдусалом Ғаниев асли деновлик, далада ўсмаганми, болаликдаги техникага бўлган қизиқиши, кейинчалик орзу-умидга айланди. Тошкент автомобиль йўллари институтини битиргач, туғилган юртига қайтиб, «Қишлоқхўжаликтехника» бирлашмасида дастлаб цех бошлиғи, сўнгра бош муҳандис бўлиб ишлай бошлади. Қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур қилиш қийин. Лекин, бирлашмада керакли деталларни таъмирлашнинг умуман имкони йўқ эди. Шу сабаб Абдусалом бирлашмада таъмирлаш устахонаси ташкил этишга бор кучини сарфлади. Бошланғич натижа чакки бўлмади. У пахта териш машиналарининг териш аппаратларини таъмирлайдиган цехни жиҳозлашга муваффақ бўлди.

Бирлашма раҳбарлари деталлар шу жойнинг ўзида таъмирланганда ортиқча чиқимга ўрин қолмаслигини тушуниб етишди. Илк цехга Россия ва Украинадаги тажриба-механика заводларидан дастгоҳлар келтирилди. Абдусалом Ғаниевнинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент тажриба-механика заводи ҳамкорлигида Денов туман «Қишлоқхўжаликтехника» бирлашмасида дизель двигателларини, ёқилғи насоси ва бошқа асосий қисмларни таъмирлайдиган цех республика миқёсида Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидан кейин учинчи ўринда ишга туширилди. Бу билан бирлашма ҳисобидаги маблағ анча тежалди, бошқа жойларда таъмирлатиш учун кетадиган сарф-харажат иқтисод қилинди. Ходимларнинг ойлик маош олишларида муаммоларга ўрин қолмади.

Мустақилликнинг илк йилларида кўпгина соҳа ва тармоқларда ишбилармонликнинг, тадбиркорликнинг етишмаслиги сабабми, боқимандалик кайфиятининг устуворлигиданми, ишлаб чиқаришда силжишлар бўлмаган бир пайтда, мазкур бирлашма А. Ғаниевдек ҳаракатчан кадрлар сабаб аста-секинлик билан ривожланиб борди. Давр эса соҳа мутахассисларининг ўз касбига қанчалик масъулиятли ва уста эканлигини бир карра синовдан ўтказди. А. Ғаниев кейинчалик Шарғундаги 104-автокорхонада бош муҳандис бўлиб ишлаб юрган кезларда автокорхона зиммасига Шарғун шахтаси ва Тўполон сув омбори объектларида ишлаш юклатилганди. Бу ердаги иш умумий шароитдагига нисбатан анча оғир ва масъулиятли эди. Шунга қарамай, ҳайдовчиларнинг иш ҳақи ва машиналарга ёқилғи таъминоти умумий шароит нормативига асосланиб бериларди. «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда Абдусалом ака оғир шароитларда ишлашнинг янгича нормативини илмий асослаб бериб, жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Ҳозирги кунда Денов педагогика билим юртида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Абдусалом Ғаниев ўз тажрибаларини, мутахассислик ва тадбиркорлик сирларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



АВТОКОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎзАСК «Йўловчи» ҲЖ Тошкент филиали Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф этади

— Двигатель — ГАЗ-24
— Двигатель — ГАЗ-53
— Насос мойи — ГАЗ-24, ГАЗ-53
— Насос сувли ГАЗ-24, ГАЗ-53,
— автошиналар (205x70x14)
— аккумуляторлар: АТ-1, АТ-3
— гильзопоршень гуруҳи
— тирсакли Валлар
— блок ёлқичлари
— улаш дисклари
— карбюраторлар
— руль механизмлари
— компрессорлар
— поршень халқалари
— мотор Вкладишлари
— шатун Вкладишлари
— улагичлар тўплами

шунингдек, «ГАЗ-24», «ГАЗ-31», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130», «МАЗ», «КамАЗ», «КрАЗ» автомобиллари учун 400дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлари.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

Бўлажак олимпиадачилар баҳси

Шу кунларда Москвада давом этаётган биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларини мутахассислар ана шундай баҳолашмоқда. Ҳақиқатдан ҳам спортнинг ўнлаб турлари бўйича куч синашаётган ўсмирлар Сидней олимпиадасида ажойиб натижаларни қўлга киритишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Мусобақада спортнинг ўн бир тури бўйича 108 нафар спортчи Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Юнон-рум кураши бўйича Денис Здориков бронза медали олган бўлса, Савриддин Наврўзов кумуш медални қўлга киритди. Эркин курашчиларимиз саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, финални кўзлаб туришибди. Теннисчиларимиздан Ирода Тўлаганова билан Александр Мальцев ҳисобида биттадан ғалаба бор. Мусобақа эса ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.

Миллий курашга халқаро мақом

Пойтахтимизда яна бир йирик мусобақани ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. 6-7 сентябрь кунлари «Юнусобод» ўйингоҳи яна гавжумлашадиган бўлди. Бу ерда биринчи марта миллий кураш бўйича халқаро беллашув ўтказилади. Бундай тадбир Оврупо дзюдо қўмитасининг навбатдаги йиғилишида маъқулланган. Мукофот жамғармаси 10 минг доллар қилиб белгиланган. Мусобақага Франция, Голландия, Олмония, Англия, Болгария, Польша каби йигирма мамлакатдан полвонларни чорлаш мўлжалланган. Мусобақага хорижда қизиқиш билан қаралаётгани миллий курашнинг халқаро мақом олишидан нишонадир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Бухоро вилояти партия кенгашининг иккинчи котиби Салим Икромович Болтаевга отаси **Икром бобо БОЛТАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзХДП Шайхонтоҳур тумани кенгаши «Бўстон» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котибининг муовини Доно Самуқовна Муҳаммедовага падари бузруквори **Самуҳожи КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.